

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2008 йил, 15 СЕНТЯБРЬ, ДУШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 181 (11.242)

Баҳоси эркин нарҳда

XXI АСР САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН
СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

- Ўзбекистон Республикасининг «Музейлар тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди.
- Жиззах алоқа ва транспорт қасб-хунар коллежида Олий Мажлис Сенатининг ўн бешинчи ялпи мажлисида қабул қилинган қонунларни аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда маҳаллий кенгашлар депутатлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, банк, молия тизими ходимлари, олий ўқув юрлари, қасб-хунар коллежлари ўқитувчилари иштирок этди.
- Самарқандда «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Қонунни ўрганишга бағишланган семинар ўтказилди. Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» хайрия жамғармаси ҳамда «Маҳалла зиёси» ўқув-услубий маркази ташаббуси билан ташкил этилган ушбу семинар шу йилнинг декабрь ойида бўлиб ўтадиган маҳалла оқсоқоллари сайловини демократик тамойиллар асосида ўтказиш, бу борада амалга оширилажак ишлар хусусида бўлди.
- Челақ пахта тозалаш корхонасида Вазирлар Маҳкамасининг «2007-2011 йилларда пахта тозалаш саноати корхоналарини модернизация ва реконструкция қилиш дастури тўғрисида»ги қарорига асосан жорий йилда модернизация ишлари амалга оширилди. Эндilikда корхонада 50-60 минг тонна пахтани қайта ишлаш имконияти туғилди.
- Гулистон шаҳрида бир йўла ҳам қовун, ҳам қовоқ сайли бўлиб ўтди. Унда виллоят фермерлари томонидан етиштирилган ана шу маҳсулотларнинг 50 дан ортиқ навлари намойиш қилинди.
- Тошкент виллояти «Маънавият ва Маърифат» марказида «Келажак овози – 2008» республика кўрик-танловининг виллоят саралаш босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.
- «Қамолот» Ёшлар ижтимоий ҳаракати Наманган виллояти Кенгаши бир қатор жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда «Энг намунали ёш оила» танловини ўтказди.
- Қўшқўпир туманидаги Янгилик қишлоғида тadbirkор Хайитбой Қурёзов ўзининг «Янгилик» хусусий корхонасини ташкил этиб, чарм пойабзаллар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.
- Гурлан туманидаги «Бозор» фермер хўжалиги раҳбари Бозорбой Раҳимов ўз қишлоғида 50 бош қорамолга мўлжалланган чорвачилик комплексини қурди.
- Марғилон шаҳрининг Маъмурлар Узоқов номидаги истироҳат боғида «Қамолот» ЁИХ шаҳар кенгаши ҳамда «Хунарманд» уюшмаси ҳамкорлигида «Ёш хунарманд – 2008» танлови ўтказилди.
- Ўзбекистон тасвирий санъат галереясида Болгария элчихонаси билан ҳамкорликда очилган кўргазма санъат мухлисларини Симеон Симов коллекцияси билан таништиради. Унда Болгариянинг қадимдан ҳозиргигача қўлга келган атласлар, хариталар, гравюралар ва китоблардаги тасвирлар йўли олган.

ЖАҲОНДА

- Халқаро кадрлар агентлиги (Manpower) дунё бўйича ишсизлар сони ортиб бораётган давлатлар рўйхатини эълон қилди. Унга кўра Европа, Яқин Шарқ ва Африка мамлакатлари орасида Испания биринчи поғонани банд этиб турибди. Мазкур мамлакатда жорий йилнинг тўртинчи чорағида иш ўринлари 10 фоизга қисқартирилиши режалаштирилган.
- Буюк Британиянинг 82 ёшли қироличаси Елизавета II Интернетда ишлашга қизиқиб қолган, дея ёзади «The Telegraph» газетаси. Айниқса, қиролича Букингем саройи веб-саҳифасини кўпроқ кузатиб боради.
- АКШнинг Индиана штати мактабларида юқори синф ўқувчи қизларига сумка кўтариш таъқиқлаб қўйилди. Агарда улар рюкзак ёки аёллар сумкаси билан мактабга келишса дарсга киритилмайдиган. Ўқувчиларнинг норозилигига маъмурулар хавфсизлигини таъминлаш учун унга қатъий амал қилиниши кераклигини уқдириб жавоб беришмоқда.
- БМТнинг таълим, маънавият ва илм-фан билан шуғулланувчи ЮНЕСКО ташкилоти Шотландиянинг Глазго шаҳрига «Музыка шахри» мақомини берди. Ташкилотнинг таъкидлашича, мазкур шаҳар бой мусиқий тарихга эга бўлган ҳамда замонавий мусика саноатида муҳим аҳамият касб этгани сабабли бундай фахрий номга лойиқ деб топилди.
- Жазоир олимлари мамлакатнинг Бешар туманидаги тоғ дараларининг бирида қояга ўйиб солинган 40 та расмини топишга муваффақ бўлишди. Мутахассисларнинг фикрича, мазкур расмлар 8 минг йил аввал чизилганлиги маълум бўлди.
- Канадада биринчи жаҳон урушининг сўнгги аёл-фахрийси оламдан ўтди. У 109 ёшли Глэдис Пауэрс бўлиб, умрининг охиригача Канада ғарбидаги Британия Колумбия провинциясида истиқомат қиларди.
- Зимбабве ҳукумати ва муҳолифат ҳукуматни бўлиб олиш бўйича келишувга эришганини ИТАР-ТАСС хабар беради. Бу ҳақда Жанубий Африка республикаси Президенти ва Африка Иттифоқининг Зимбабведаги танглики бартараф этиш учун тайинланган вакили Табо Мбеки маълум қилди.

АСРЛАР СИНОВИДАН ЎТГАН ДЎСТЛИК

ХАБАР БЕРИЛГАНДЕК, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ОЗАРБОЙЖОН РЕСПУБЛИКАСИГА РАСМий ТАШРИФИНИНГ ИККИНЧИ КЎНИ ЎЗБЕК ВА ОЗАРБОЙЖОН ХАЛҚЛАРИНИНГ МАДАНИЙ-МАЪНАВИЙ ҲАЁТИДА ЎЧМАС ИЗ ҚОЛДИРАДИГАН МУХИМ ВОҚЕА РЎЙ БЕРДИ. БОКУДА ҲАЗАЛ МУЛКИНИНГ СУЛТОНИ, БУЮК МУТАФАККИР АЛИШЕР НАВОИЙ ҲАЙКАЛИ ОЧИЛДИ, ШАҲАРНИНГ МАРКАЗИЙ КЎЧАЛАРИДАН БИРИГА УЛУҒ АЛЛОМА ВА ДАВЛАТ АРБОБИ МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИ БЕРИЛДИ.

Ушбу воқеага бағишланган тантанали маросимда икки мамлакат расмий делегациялари аъзолари, адабиётшунос олимлар, шоирлар, ёзувчилар, рассомлар, шеърят илосмандлари, Озарбойжон жамоатчилиги вакиллари иштирок этдилар.

— Тўрт йил аввал Тошкентда Низомиёв Ҳайкали очилган эди, — деди Ислам Каримов. — Эндilikда Бокуда Навоий Ҳайкали қад ростлади. Халқларимиз Навоий ва Низомиёвни бирдек ҳурмат билан мутолаа қилиб, уларнинг ижодидан илҳомланиб яшайди, бир-бирини таржимонсиз тушунади. Бу бизнинг катта бойлигимиздир. Ўзбекистон кўплаб давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган. Лекин Озарбойжон билан муносабатлар мана шундай маънавий яқинлик тўғрисида алоҳида ажралиб туради.

Озарбойжон Президенти Илҳом Алиев бугунги кун икки мамлакат тарихида алоҳида ўрин олишини қайд этди.

— Озарбойжон халқи буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоийни жуда яхши билади, — деди Озарбойжон раҳбари. — Унинг деярли барча асарлари озарбойжон тилига таржима қилинган. Навоий иқодиёти бутун Шарқ адабиётининг ривожланишида муҳим ўрин тутди. Бокудаги Навоий Ҳайкали ва Мирзо Улуғбек номидаги кўча асрлар давомида мустаҳкамлашиб келган ва бугунги кунда юқори босқичга чиққан дўстликнинг ёрдами билан раҳбарларидир. Озарбойжон билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда изчил ривожланиб бораверишига ҳеч қандай шубҳа йўқ.

Давлатимиз раҳбари ўзи учун ажратилган «Улдуз» қароргоҳида Кавказ мусулмонлари идораси раиси Аллохшўр Пошшошовани қабул қилди.

Учрашувда мамлакатларимиз ўртасида маърифий соҳаларда ҳамкорликни кучайтириш, динни ниқоб қилиб олган айрим гараз ниётли кучларга қарши биргаликда курашиш каби масалаларга эътибор қаратилди.

Президент Ислам Каримов Бокудаги Фахрий хиббонга ташриф буюрди. Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон-Озарбойжон муносабатларини ривожлантиришга, икки давлат ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликни кенгайтиришга улкан ҳисса қўшган сиёсий арбоб Хайдар Алиев мақбарасига гулчамбар қўйди.

Президентимиз Озарбойжон раҳбари ҳамроҳлигида Хайдар Алиев жамғармасига ташриф буюрди. Ислам Каримов жамғарманинг тарихи, фаолияти билан танишди. Озарбойжон мустақиллигини мустаҳкамлаш ва давлатчилигини ривожлантириш йўлида бекиёс хизмат кўрсатган Хайдар Алиевнинг ҳаёти ва фаолиятига доир тарихий экспонатларни кўздан кечирди.


Истиқлол йилларида Ўзбекистонда Президент Ислам Каримов раҳбарлигида халқимизнинг озодлик учун курашган, ҳуррият йўлида кен берган фидойий фарзандлари хотирасини тиклаб, номларини абадийлаштириш йўлида улкан ҳайрли ишлар амалга оширилди. Озарбойжон раҳбарияти ҳам айна шундай йўл тутган.

**Анвар БОБОЕВ,
ЎЗА махсус мухбири.
Тошкент — Боку — Тошкент.**

ПОЙТАХТНИНГ Бир КЎНИ Янгиликлар, воқеалар



РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДА ДАДИЛ ОДИМЛАЁТГАН, ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИНИ ОШИРИБ, РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТ ТУРЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШГА ИНТИЛАЁТГАН ҲАМДА ЭКСПОРТНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИБ, ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР БУЮРТМАЛАРИНИ ҲАМ МУВАФФАҚИЯТЛИ УДДАЛАЁТГАН КОРХОНАЛАР ОРАСИДА ПОЙТАХТИМИЗДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН «ASN» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИАТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЎРНИ БОР.



Иқтисодиёт ХАРИДОРЛАРИ САФИ ОРТМОҚДА

Корхона маҳсулотлари, «ASN» савдо белгиси остида ишлаб чиқарилади. Шуниси қувонарлик, бир неча йиллик изланишлар, бозор талаби асосида иш юритишлар самараси ўлароқ корхона товарлари нафақат ички, балки кўшни мамлакатлар бозорига ҳам харидорлар бўлиб бормоқда. Россия Федерацияси, Қозғоғистон, Тожикистон, Туркменистон сингари давлатлардаги харидорларидан ҳам буюртмалар тушаётгани бунинг ёрдами билан исботидир. Шунингдек, жорий йил бошларида Туркменистоннинг Ашхобод шаҳрида бўлиб ўтган ўзбек ярмаркасида ҳам қатнашган корхона маҳсулотлари ташриф буюрганлар эътиборини қозонди ва кўплаб шартномалар имзоладди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, илк фаолияти даврида бир неча ишчи билан хусусий тadbirkор сифатида фаолият бошлаган Анвар Назиров бугунги кунда 70 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган корхонанинг раҳбари. Албатта, тadbirkор бунга ўз изланишлари, тинишсиз меҳнатлари боис эришди. Шунингдек, Президентимиз ва ҳукуматимизнинг тadbirkорликка оид Фармон ва Қарорлари, улардаги қўллаб-қувватлаш, имтиёз ҳамда қарғалар ривожланишининг муҳим омилли бўлди.

Корхонада йилдан йилга маҳсулот турлари кўпайиб бормоқда, янги йўналишлар бўйича ишлар амалга оширилмоқда. Бу ерда малакали кадрлар ва замонавий технологияларнинг шарофати билан савдо дўконлари учун пештахта ва жижизлар, маиший музлаткичлар ҳамда мебель маҳсулотлари тайёрланади. Тadbirkорлар харидорларга қулайлик яратиш мақсадида шахримизнинг Чилонзор ва Паркент бозорларида ўз фирма дўконлари фаолиятини йўлга қўйган. Ушбу дўкондан товар харид қилган киши, албатта фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашиши мумкин.

Бу маҳсулот турларини янгилашда яқиндан ёрдам беради.

Маҳсулотлар дизайни устида алоҳида ишланади. Шу боис ҳам улар харидор талабига яраша бўлмоқда. Кейинги пайтда тайёрланган электр энергияси тежамкорлигини таъминловчи янги моделдаги музлаткичи савдо пештахталари, «Аксимо» номини олган одис мебели сифати ва рақобатбардошлиги билан ажралиб туради.

— Йилимиз биз учун яхши муваффақиятларни тақдим этмоқда, — дейди корхона раҳбари Анвар Назиров. — Энг асосийси эса фаолиятимизнинг республика миқёсида эътиборли этилганидир. Чунки Президент соврини учун ўтказилган «Ташаббус — 2008» кўрик-танловининг республика босқичида пойтахт шафрини ҳимоя қилиб, «Энг яхши тadbirkор» номиначаси бўйича 1-ўринга лойиқ топилди ва Президент совринини қўлга киритдик. Бу эътибор, бу рағбат янада изланишга, мамлакат иқтисодиёти ривожига муносиб ҳисса қўишига ундади.

Бугунги кунда корхонани янада ривожлантириш, маҳсулотнинг бозорбоп ва жаҳон андозларига мос турларини ишлаб чиқариш мақсадини кўзлаган тadbirkорлар бунинг учун хорижий мебель тайёрлаган дастгоҳ ва линиялари келтириш ҳаракатида. Улар шу асосда тайёрланган маҳсулотларнинг бир қисмини «Ўзбекистонда тайёрланган» ёрлиги остида чет элга чиқариб, экспорт ҳажми ортишига эришишни ният қилган. Бугунги интилишлар, сай-ҳаракатлар ана шу яхши ниятга яраша бўлмоқда.

Шариға ИЛЁСОВА

СУРАТЛАРДА: корхона ишчи-хизматчилари ҳар бир ишлаб чиқариш жараёнида сифатга алоҳида эътибор қаратишади.

Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар

Қисқа сатрларда

- **ТОШКЕНТ** шаҳар ҳокимлигида уюштирилган тadbirkор Франциса Сенати аъзолари Тошкент шаҳрининг тарихи, Мустақиллик йилларида пойтахтни янада обод ва кўркам шаҳарга айлантириш мақсадида амалга оширилаётган бунёдкорлик
- **«ИНТЕРКОНТИНЕНТАЛ»** меҳмонхонасида расмлар Николай ва Евгений Паклар томонидан тайёрланган расмлар кўргазмаси ҳамда хунармандлар ижодиига мансуб миллий хунармандчилик буюмлари кўргазмаси ташкил этилди. Ушбу тadbirkор бир ой давом этади.
- **АЛИШЕР** Навоий

ишлари хусусида маълумот берилди.

номли Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташаббуси билан уюштирилган анъанавий «Мустақиллик дарси» тadbirkор Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, ёшлар иштирокида.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Аxbотот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ — ДОИМИЙ ҲИМОЯДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА «ИНСОННИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ — СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТЛАРИНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИДИР» МАВЗУИДА ДАВРА СУҲБАТИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Парламент қўйи палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган тadbirkорда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристар малакасини ошириш марказининг махсус курси тингловчилари ҳамда оммавий аxbотот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мазкур қўмита раисининг ўринбосари С.Жабборов истиклолнинг дастлабки кунларидаёқ Президентимиз Ислам Каримов томонидан мамлакатимизда инсоннинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгиланганлигини алоҳида таъкидлади. Ўзбекистон бугунги кунда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ 60 дан зиёд халқаро ҳужжатга қўшил-

ган. Амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар натижасида тарихан қисқа вақт ичида республикаимизнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётида чуқур ўзгаришлар юз берди, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини мустаҳкам ҳимоя қилиш бўйича яхлит ҳуқуқий тизим яратилди. Бундан 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 8 августдаги «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги фармони асосида парламент томонидан қабул қилинган «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказишнинг муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун

ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуннинг мақсади ҳам жиноят процессида шахс ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш қафолатларини кучайтириш, тарафларнинг тортишуви ва тенглиги принциплари билан боғлиқ ҳуқуқини самарали таъминловчи механизмларни яратишдан иборат экани қайд этилди.

Давра суҳбатига мазкур қонунни амалиётда қўллаш масалалари ҳамда мамлакатимизда инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган суд-ҳуқуқ ислохотларини янада чуқурлаштиришга доир вазифаларини изчил амалга ошириш борасида фикр алмашилди.

**Т.БОТИРБЕКОВ,
ЎЗА мухбири**

ТАДБИРКОР

ИСТИҚЛОЛ ТУФАЙЛИ МАМЛАКАТИМИЗДА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШГА, ХУСУСИЙ МУЛК ЭГЛАРИ УЧУН ЗАРУР ИМКОНИЯТЛАРНИ ЯРАТИБ БЕРИШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛИБ КЕЛИНМОҚДА.

тўпланган ҳужжатлар тегишли чора кўриш учун Жиноят ишлари бўйича Сергели туман судига топширилди. Туман судининг 2008 йил 7 апрелдаги қарори билан унга нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг 7 баробари, яъни 130 410 сўм миқдорига маъмурий жарима белгиланди.

Тошкент шаҳар Давлат солиқ бoshқармасида ва Бектемир, Сергели, Чилонзор, Ҳамза ва Шайхонтоҳур туман солиқ инспекцияларида амалдаги қонун ҳужжатларининг ижро этилиши ўрганилиб, жами 270 та қонун бузилишлари аниқланди. Мазкур қонун бузилишларини бартараф этиш тўғрисида

бўйича маҳаллий давлат рўйхатга олишнинг ҳабардор қилиш тартибини тушунтириш бўйича маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ходимларини жалб этган ҳолда семинарлар ўтказилди.

Бундан ташқари, бoshқарма ходимлари томонидан кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича Республика Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2007 йил 22 февралдаги 1-сонли йиғилиш баённомасининг 2.2-бандига мувофиқ Тошкент шаҳар адлия бoshқармаси, Савдо-саноат палатаси, солиқ ва статистика органлари билан

сонли қарори, «Иқтисодий ўсиш, тадбиркорликни рағбатлантиришнинг асосий вазифалари ҳамда солиқ тизимини ислоҳ қилиш ва уни эркинлаштиришни устувор йўналишлари тўғрисида»-ги, Давлат солиқ идоралари ходимларининг «Тадбиркорлик субъектларига нисбатан қўлланиладиган молиявий ва маъмурий чораларни қўллаш амалиётининг тахлили ва қонуний ечим тўғрисида»-ги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 май қунидаги «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг ҳабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида»-ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21 сентябрь 2005 йилдаги «Тадбиркорлик фаолиятини юретиш учун рухсатнома турларини қисқартириш ва уларни бериш тартиби» қонунлари соддалаштириш тўғрисида»-ги, ПҚ 630-сонли қарорларини ва янги тахрирдаги Солиқ кодексининг моҳияти ва афзалликлари юзасидан ҳуқуқий тушунтиришлар бериш тўғрисида Тошкент шаҳар Адлия бoshқармаси масъул ходимлари, Давлат солиқ идораси ва статистика органнинг масъул ходимлари тегишли маърузалар билан чиқишлар қилишди. Ушбу семинарларда тадбиркорларнинг эътибори эркин иқтисодиётни барпо қилиш борасида уларга берилган қарорлар ва имтиёزلарга қаратилди.

Одил АЛЛАЕВ, Музроб АЛИМОВ, Тошкент шаҳар Адлия бoshқармаси тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими ходимлари

Ҳуқуқий ҳимоя

САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР САМАРА БЕРМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 17 февралдаги «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича Республика мувофиқлаштирувчи Кенгаши фаолиятини фаоллаштириш тўғрисида»-ги 57-сонли ва 2003 йил 27 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада тақомиллаштириш тўғрисида»-ги 370-сонли Қарорлари билан адлия идораларига юклатилган вазифаларни баҳарли, тадбиркорлар ва хусусий мулк эгаларининг ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида Тошкент шаҳар адлия бoshқармаси томонидан 2008 йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Хисобот даврида адлия бoshқармасига тадбиркорлик субъектларидан жами 148 та муҳожирлар келиб тушган бўлиб, шундан 78 таси шикоятларни ташкил этган. Мазкур муҳожирлар туман бўйича тахлил қилинганда, улар қуйидагилар: 4 та Собир Раҳимов, 8 та Мирзо Улугбек, 8 та Миробод, 3 та Учтепа, 6 та Яққасарой, 10 та Чилонзор, 5 та Юнусобод, 4 та Шайхонтоҳур, 1 та Бектемир, 6 та Сергели, 2 та Ҳамза туманлари ҳамда 3 та Тошкент шаҳар ва 14 та Республика миқёсидаги идоралар ҳиссасига тўғри келган.

Хисобот даврида Бектемир, Сергели, Чилонзор ва Шайхонтоҳур туманлари давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциялари фаолияти

ҳуқуқбузарларга нисбатан маъмурий жавобгарликка тортиш бўйича тегишли баённомалар расмийлаштирилиб, қўриб чиқиш учун Жиноят ишлари бўйича туман судларига юборилди.

Мисолларга мувожаат этадиган бўлсак, Сергели туман ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси бўлим бошлиғи У.Рахмолов қонун талабига зид равишда тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш чоғида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 июндаги 357-сонли қарори билан тасдиқланган Низомда назарда тутилмаган ҳужжатларни талаб қилиб олиб йўлга жидда қўйишга юзасидан унга нисбатан амалдаги МЖТнинг 241-1-моддаси аломати билан маъмурий баённома расмийлаштирилиб,

сида 6 та тақдимнома киритилди ва айбдор шахслар интизомий жазога тортилдilar.

Тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш учун маъмурий сарф-ҳаражатларни қамайтириш, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишдаги бюрократик тўсиқ ва қонунларни бартараф этиш йўли билан янада қўлай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Адлия бoshқармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 майдаги «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг ҳабардор тартибини жорий этиш тўғрисида»-ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олишнинг ҳабардор қилиш тартибини тушунтириш

биргаликда шаҳар туманлари тизимида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларининг ишларида семинар-ўқувларнинг ўтказиш бўйича тегишли режа-жадвал ишлаб чиқилди.

Жумладан, Сергели, Юнусобод, Чилонзор, Бектемир ва Миробод туманларида фаолият юритаётган тадбиркорлар ҳамда туман ҳокимликларининг масъул ходимлари иштирокида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги 3665-сонли Фармони ҳамда 2005 йил 14 июндаги ПФ-3618, ПФ-3619-сонли, 2005 йил 20 июндаги ПФ-3620-сонли, 24 июндаги 3622-сонли Фармонлари ва 2005 йил 15 июндаги ПҚ-100

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ИЛК ЙИЛЛАРИДА ХОРИЖЛИК ҲАМКОРЛАР БИЛАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ҚЎШМА ҚОРХОНАЛАРДАН БИРИ «EAST BUTTERFLY» БУГУНГИ КУНДА ЎЗ МАҲСУЛОТЛАРИ БИЛАН ИЧКИ БОЗОРДА ЎРНИНИ ТОПМОҚДА. ЎЗБЕКИСТОН — ҲИНДИСТОН — ШВЕЙЦАРИЯ ДАВЛАТЛАРИ ҲАМКОРЛИГИДА ФАОЛИЯТ БОШЛАГАН МАЗКУР ҚЎШМА ҚОРХОНАДА ТАЙЁРЛАНАЁТГАН СИФАТЛИ ВА РАҚОБАТБАРДОШ ТОВАРЛАР ХАРИДОРГИРЛИГИ БИЛАН АЖРАЛИБ ТУРАДИ.

Қўшма қорхоналарда МАҲСУЛОТ ТУРНИ КЎПАЙМОҚДА

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, қорхона жамоасини асосан ёшлар ташкил этиб, бугунги кунда уларнинг сафи 60 нафардан ортиб кетди. Қорхонада асосан зангламас металл — пўлатдан тайёрланаётган маҳсулотлар тури ҳозирда 70 хилдан ортиқчи ташкил этмоқда. Ишлаб чиқарилаётган ошона ва рўзгор буюмлари ўзига хос дизайн билан харидор диққатини тортади, ишлашга қўлайлиги ҳамда узоқ йиллик кафолат мuddати билан ажралиб туради. Қорхона маҳсулотлари механик усулда қайта ишлангани боис ҳам узоқ мuddат ўз жиловини йўқотмайди, 25 йилдан зиёд хизмат қилади. Улар сифат менежмент тизимининг ISO-9001-2000 халқаро стандарт талабларига тўла жавоб беради.

— Махсулот тайёрлаш учун асосий хом ашёни Европа давлатларидан келтиришимиз, — дейди қорхона раҳбари Бахтиёр Нурдинов. — Қорхонамиз зангламайдиган пўлатдан экологик тоза ошона идишлари ва оватланиш шохобчалари учун жиҳозлар, ишлаб чиқариш бўйича Ўрта Осиёда ягона хосибланади. Идишларимизда тайёрланган озиқ-овқат маҳсулотлари ўзининг фойдали хусусиятлари ва сифатли таъминоти аниқгина сақлаб туради. Замонавий дастгоҳ ва ускуналар билан жиҳозланган қорхонамиз цехларида шунингдек, ўн турдан зиёд озиқ-овқат саноати ва умумий оватланиш қорхоналари учун савдо ва сантехника буюмлари ҳам ишлаб чи-

қариш йўлга қўйилган. Бизда 12, 24, 36 литрлик дала термослари ҳам тайёрланади. Асосий мақсадиимизни амалга ошириш йўлида дадил интилиб, йилдан йилга ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга эришяпмиз. Ошоналар учун идишлар ишлаб чиқариш билан илк қадамимизни бошлаган бўлсак, бугунги кунда мамлакатимиз автомобил саноати учун бутловчи қисмлар тайёрлашни ҳам йўлга қўйдик. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу борада бизга Ўзбекистон томонидан таъсисчимиз — «Узавтосаноат» катта қўмак бермоқда, қорхонани ривожлантиришда қўллаб-қувватламоқда.

Махсулот ишлаб чиқаришда маҳаллий хом ашёдан ҳам фойдаланилмоқда.

Айни кунларда қорхона тадбиркорлари махсулот турларини кўпайтириш, янги дизайнда ошона идишлари тайёрлаш устида иш олиб боришмоқда. Маркетинг ишларининг яхши йўлга қўйилганлиги махсулот турларини янгилашда, харидор талабларини ўрганишда, бозорда ўрин эгаллашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Албатта, жамоа ахлининг ижтимоий ҳимоясига қаратилган муҳим эътибор, меҳнат унумдорлиги ва махсулот сифатининг ортишида катта аҳамиятга эга эканлигини қорхона мутасаддилари ҳамма ёдда тутишадилар. Шу боис бўлса керак, ишлаб чиқариш бир маромда давом этиб,

унинг ҳажми йил сайин ўсиб борапти. Ишчи-ҳодимлар учун шинам ошона хизмат кўрсатади, улар доимо сўт маҳсулоти билан таъминлаб борилади. Ёш оилаларга моддий ёрдам кўрсатилаётганлиги ҳам диққатга сазовордир.

Ишлаб чиқаришни кенгайтириш асосида қорхонада йил охиригача яна 15 нафар ишчи янги ўринлари яратиш кўзда тутилган. Шунингдек, Президентимизнинг қасаначиликка оид фармони ижросига муносиб ҳисса қўиш мақсадида яқин атрофдаги маҳалла аёллари учун қасаначилик иш ўринлари ҳам ташкил этилиб, уларнинг ўз хонадонларида меҳнат қилишлари учун шароитлар яратилади.

Яна шуни айтиб ўтиш лозимки, қўшма қорхонада тайёрланаётган рақобатбардош махсулотларга нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам талаб катта. Ана шуни назарда тутган тадбиркорлар махсулотларини экспорт қилишни режалаб туришибди. Ҳозирда қорхонанинг турли хил товарларига Афғонистон, Туркменистон сингари давлатлардан ҳам буюртмалар тушмоқда.

Шарофат БАХРОМОВА СУРАТДА: «Махсулотларимиз турлари харидорларимиз талаб ва эҳтиёжи асосида кундан кунга ортмоқда», дейди кадрлар бўлими инспектори Севара Абдуганиева.

Наталья Семёнова олган сурат

Сўраш, жавоб берамиз

ФАРҚИ НИМАДА?

Хусусий тадбиркорлик яқка тадбиркорликдан қандай фарқ қилади?

Шахноза Алимбоева, коллеж талабаси

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, хусусий тадбиркорликнинг яқка тадбиркорликдан фарқи шундаки, бу ерда фаолият кўрсатувлари ўз фаолиятини ёлланма ишчи кучи ёрдамида олиб борадилар. Улар юридик шахс сифатида иш кўрадилар

хусусий тадбиркорлик фаолияти ва юридик шахс таъкил қилмаган ҳолда хусусий тадбиркорлик фаолиятини юретиш.

Фаолиятини ёлланма ишчи кучи жалб қилган ҳолда амалга ошираётган хусусий тадбиркор юридик шахс сифатида иш кўради ва қорхонани рўйхатдан ўтказишга мажбурдир. Хусусий қорхоналар мустақил балансида, муҳрига, ҳисоб-китоб ва раига эга бўлади. У ўзи жойлашган манзилдаги туманлар, шаҳарлар ва шаҳарлардаги туман ҳокимликларида рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб юридик шахс ҳуқуқини олади.

Ёлланма меҳнатдан фойдаланмайдиган хусусий тадбиркор (яқка тартибдаги тадбиркорлик) ўз

фаолиятини юридик шахс таъкил қилмай амалга оширади. Хусусий тадбиркор бундай фаолият турини амалга оширишда ҳўжаблик юритувчи бoshқарма субъектлар ва мижозлар билан ўз муносабатларини шартнома асосида олиб боради.

Юридик шахс қомоми олмаддан тадбиркорлик билан шўғулланиш учун туман, шаҳар ва шаҳарлардаги туман ҳокимиятлари томонидан рухсатнома берилади. Яқка тадбиркорлик — бу шундай фаолиятки, унинг эгаси бугун даромадига ва бизнеснинг барча таваккалчилигини тўла ўз зиммасига олувчи битта шахс ёки бир оиладир. Одатда, бундай қорхона эгалари унинг энг фаол менежерлари ҳамдир.

Хунари гўзаллар ИНТИЛИБ ЯШАЙДИ

ЁШ ВА ИҚТИДОРЛИ ХУНАРМАНД ДИЛДОРА АВЕЗОВА УЧУН ЁШЛАР ЙИЛИ НИҲОЯТДА ҚУТЛУҒ КЕЛДИ. ЎЗ ЭЗГУ НИЯТЛАРИ ЙЎЛИДА ТИНМАЙ ИЗЛАНАЁТГАН ПОПОЧНИ, КАШТА УСТАСИ МУВАФФАҚИЯТЛАРДАН РУХЛАНГАН ҲОЛДА АЙНИ ПАЙТДА ЯНГИЛИКЛАР ЯРАТИШ, МАҲСУЛОТЛАРИ ТУРЛАРИНИ КЎПАЙТИРИШ, ШОГИРДЛАРИ МАҲОРАТИНИ ОШИРИШ УЧУН АСТОЙДИЛ ИНТИЛИМОҚДА.

Дилдоранинг орзулари ойдин, интилишлари ҳўжшн эканлигини у билан сўхбатлашиш асносида сезиб олиш қўйин эмас. У ўзининг 7 йиллик фаолияти давомида момоларимиз эъоззолаб келган хунармандчилик йўналиши — попоч каштачилигининг унутилган 6 та нуҳсасини қайтадан тиклашга, ижодий ривожлантиришга муваффақ бўлди. У яратган пальто ва камзуллар, аёллар ва болалар кийим-кечаклари, қўйлақлар ҳамда бoshқа буюмлар нафис жилов, ранг танлашдаги маҳорати билан ажралиб туради.

Дилдора Ёшлар йилида Президентимиз соврини учун аънанавий тарзда ўтказиладиган «Ташаббус» қўрик-танловига муваффақиятли иштирок этиб, пойтахт босқичида «Энг яхши тадбиркор» номинацияси бўйича 1-урин соҳиб бўлди. Қўрик-танловнинг республика босқичида шахримиз шарафини ҳимоя қилган хунарманд «Энг ёш тадбиркор» номинацияси ғолиблигини қўлга киритиб, Диплом ва қимматбаҳо совғалар эгаси бўлди. Шунингдек, жорий йилда Миллий санъат марказида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» ҳамжармаси ва «Осиё рамиз» моделерлар уюшмаси ҳамкорлигида ўтказган «Болаларлар — ширинтойлар» болалар модаси фестивалида ишлари алоҳида эътирофга сазовор бўлиб, Диплом билан тақдирланди.

— Президентимизнинг мустақил юртимиз хунармандлигига юксак эътиборлари ва ғамхўрликларидан руҳланган хунармандларимиз ўз иқтидорларини нафақат юртимизда, балки қўлаб хорж давлатларида ҳам намоён этмоқда, — дейди Дилдора Авезова. — Ёш хунармандларимиз ўз махсулотлари билан қўлаб халқаро ярмаркаларда иштирок этишмоқда, халқ амалий санъати дурдоналарини кўз-кўз қилиб мустақил юртимиз доғруғини дунёга ёймоқда. Мен ҳам ўтган йилда Хитойда ўтказилган Ёшлар мода ҳафталигида муваффақият билан иштирок этиб, ишларим кўпчилигини эътирофга сазовор бўлди. Шуни мамнунийат билан таъкидлашим лозимки, Президентимизнинг 2008 йилни Ёшлар йили деб номлашга барча йигит-қизлар қатори мени ҳам илҳомлантирди, қалбимда фарҳансини ҳиссини ҳўш урдирди. Ахир ёшларга қаратилган юксак эътибор мустақил мамлакатимиз порлоқ келажига эътибордир. Ўз меҳнатим, изланишларим билан ойна юртим — мустақил Ўзбекистоним ривожига ҳисса қўшаётганимдан мамнун бўлган ҳолда ҳамма илғор ва иқтидорли ёшларнинг олдинги сафларига бўлиш учун куч-ғайрат сарфлайман.

Дилдора Авезованинг эришаётган ютуқлари талайгина. У 2003 йилда Зулфия номидаги Давлат мукофотини қўлга киритган. Ўтган йилда пойтахтимизда ўтказилган «Мода ва дизайн» ҳафталигида 1-ўринга лойиқ топишган.

Дилдоранинг ишларини қузатар экансиз, уларнинг хар бирини ўзига хос нафосат билан бирга миллий қадриятларимиз, шарқона аъналаримиз уфуриб турганига ғувоҳ бўласиз. Бунинг асосий боиси ёшлитига кашта-попochилик хунарига меҳр қўйган Дилдорашу асосда либослар яратиш мақсадида Тошкент тўқимачилик ва енгил саноати олийгоҳида назарий билимларини мустаҳкамлади ҳамда амалиётда уни яққол намойиш этмоқда.

Орзулари ойдин қиз Дилдора республика «Тадбиркор аёл» уюшмаси қордоғи ўқув маркази раҳбари, ёш чеварларнинг сардори ва устози сифатида фаолият кўрсатмоқда. У айни кунларда янги-янги либослар дизайни устида иш олиб бормоқда. Унинг танбур каштачилиги услубида яратган либослари қўчқиликка қизиқиш уйғотмоқда. Ёш каштани ва дизайнёр уста Дилдора Авезова нимага эришаётган бўлса, ўз изланишлари ва тинимсиз меҳнатлари эвазигади. Ахир бежизга «Интиланганга толе ёр» дейишмайди-ку.

Шарифа ИЛЁСОВА

Фармон ва ижро

АДВОКАТЛАР ПАЛАТАСИ ИШ БОШЛАДИ

МАМЛАКАТИМИЗДА АДВОКАТЛАРНИНГ ДАХЛСИЗЛИГИ ВА КАСБ КАФОЛАТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ҚОНУНЧИЛИК ТИЗИМИ ЯРАТИЛГАН СОҲА ВАКИЛЛАРИ УЧУН КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР ОЧМОҚДА.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 1 майда эълон қилинган «Ўзбекистон Республикасида адвокатура институти янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги фармони бунда муҳим омили бўлмоқда. Фармонда адвокатларнинг касб малакасини ошириш, касб-этика қоидаларига риоя этишини назорат қилиш, адвокатлик фаолияти билан шўғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлиш учун қўйиладиган талабларни қучайтириш, адвокатлар томонидан кўрсатиладиган юридик хизмат сифатини юксалтиришга доир вазифалар белгилан берилди.

Фармонда Ўзбекистон Адвокатлар ассоциацияси негизига мамлакатимиз барча адвокатларининг мажбурий аъзолигига асосланган Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасини ташкил этиш таъкидланган.

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 140 нафар делегат қатнашган конференцияда Давлатимиз раҳбарининг фармонида белгиланган вазифаларининг амалга оширилиши аҳолига сифатли юридик ёрдам кўрсатишни таъминлашга ва жамиятда адвокатуранинг роли ва мавқеи янада юксалишига хизмат қилиши таъкидланди.

Конференцияда Ўзбекистон Адвокатлар ассоциацияси негизига республикадаги барча адвокатларни бирлаштирадиган, қучли адвокатурани барпо этишга йўналтирилган, ўзининг худудий бoshқармаларига эга мустақил ташкилот — Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ташкил этилгани маълум қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг Устави тасдиқланди.

Конференцияда Т.Саидов Ўзбекистон Республикаси адвокатлар палатасининг раиси этиб сайланди.

Норгул АБДУРАИМОВА, ЎЗА мухбири

Иқтисодиёт

ИЗЛАНИШЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

ИЗЛАГАН, ИМКОНИЯТ ҚИДИРГАН ТАДБИРКОР, АЛБАТТА ЯНГИЛИК ЯРАТАДИ, ЮТУҚЛАРГА ЭРИШАДИ. ШУНИНГ БАРОБариДА ЎЗ МАҲСУЛОТЛАРИ БИЛАН БОЗОРДА МУНОСИБ ЎРИН ЭТГАЛЛАБ, ИҚТИСОДИЙТИМИЗ РИВОЖИГА ҲАМ МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШАДИ.

Ана шундай изланишлари яхши самара бераётган, интилишлари ютуқларга сабаб бўлаётган жамоалар орасида «SIMAKX-PARS» хусусий ишлаб чиқариш қорхонасининг муносиб ўрни борки, 2005 йилда ташкил топган ушбу қорхонада бугунги кунда импорт ўрнини босувчи махсулот тайёрланиб, буюртмачиларга етказиб берилаётганлиги, харидорлар сафи йил сайин ортаётгани, товар сифати юқори бўлаётгани бунинг яққол исботидир.

Ҳозирги пайтда 30 нафардан зиёд ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган мазкур қорхона энг замонавий технологик линиялар ҳамда малакали кадрлар билан таъминланган бўлиб, цехларда ишлаб чиқарилаётган поролон махсулотларининг сифати юқоридир. Ушбу махсулотлардан мебель тайёрлашда, спорт ва тиббиёт жиҳозлари ишлаб чиқаришда, транспорт воситалари ўриндиқларида, қувурларни термоизоляция қилишда ва майиш соҳада кенг фойдаланилади. Шу боис ҳам ички бозоримизда қорхона товарларига талаб катта.

— Махсулотларимиз нафақат пойтахтимизда, балки республикамиз вилоятларида ҳам ўз харидорини топади, — дейди қорхона раҳбари Сидикжон Зокиров. — Айниқса, Самарқанд, Фарғона, Андижон, Олмалик, Қарши ва бoshқа шаҳарларда доимий буюртмачиларимиз бор. Маҳаллийлаштириш дастури асосида иш юритиб, ички бозорни четдан келадиган товарлар ўрнини босувчи махсулот билан таъминлашга эришяпмиз.

Тадбиркорлар жорий йил охиригача яна бир янги махсулот турини тайёрлашга муваффақ бўлишадилар. Бунинг учун Россия давлатидан янги технологик линия келтирилади.

ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯРАТИЛАДИ

МАҲСУЛОТ СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАШДА, УНИНГ ХАРИДОРГИРЛИГИНИ ОШИРИШДА ЗАМОНАВИЙ ХОРИЖИЙ ТЕХНОЛОГИК ЛИНИЯЛАРДАН САМАРАЛИ ФЙДАЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ КАТТА.

Фаолият бошлаганига эндигина бир йилдан ошган ва шахримизда ягона ҳисобланган «Бектемир-спирт» акциядорлик жамияти цехлари ҳам Германиядан келтирилган дастгоҳ ва ускуналар билан жиҳозланганлиги боис ҳам махсулот сифати таъминланмоқда ҳамда буюртмачилар талаби қондириляпти. Қорхонада тайёрланаётган махсулот нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам харидорлириги билан ажралиб туради. Шу боис ҳам қорхона тадбиркорлари яқин келгусида Туркменистон, Қозғистон, Қирғизистон давлатларига ўз махсулотларини экспорт қилишни режалаштиришган.

Ўтган йилда қорхонада 94 нафар ишчи-хизматчи фаолият кўрсатган бўлса ҳозирда уларнинг сафи 147 нафарни ташкил этади. Ишлаб чиқаришни янада кенгайтиришни кўзда тутган тадбиркорлар келгусида яна қўлаб ишчи ўринлари яратишни мақсад қилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, қорхонада ҳозирги пайтда асосий ишлаб чиқариш цехлари фаолият кўрсатмоқда ва шунинг баробарида 4 қаватли қўрқам администрация биноси ҳамда хом ашё олиб кириш учун темир йўл станцияси бунёд этиляпти. Улар қуриб битказилган ишчи-хизматчилар учун аначина қўлауликлар яратилади. Дам олиш, ювниш хоналари, тиббиёт пункти ва спорт майдончаси ходимларга хизмат кўрсатади.

Шунингдек, тадбиркор жамоа ахли йил сайин ишлаб чиқаришни кенгайтириш, махсулот тайёрлаш ҳажмини оширишни кўзда тутишган.

Дилноза СОДИКОВА

Қарор ва ижро

ҲАРБИЙГА ЧАҚИРУВ
ДАВОМ ЭТМОҚДА

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ШУ ЙИЛ 27 АВГУСТДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН "МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИНГ БЕЛГИЛАНГАН МУДДАТЛАРИНИ ЎТАБ БЎЛГАН ФУҚАРОЛАРНИ ХИЗМАТДАН БЎШАТИШ ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КҮЧЛАРИГА НАВБАТДАГИ ЧАҚИРУВ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚАРОРИГА МУВОФИҚ МАМЛАКАТИМИЗНИНГ БОШҚА ХУДУДЛАРИДА БЎЛГАН КАБИ ТОШКЕНТ ШАҲАР МУДОФАА ИШЛАРИ БОШҚАРМА ВА БЎЛИМЛАРИДА ҲАМ ЙИГИТЛАРНИ МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА ЧАҚИРИШ, ҲАР ТОМОНЛАМА СОҒЛОМ, БАҚУВВАТ ЁШЛАРНИ ТАНЛОВ АСОСИДА САРАЛАБ ОЛИШ ИШЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА.

Шаҳар мудофаа ишлари бошқармасидан маълум қилишларича, кузги чақирув мавсумини уюшқоқлик билан ўтказишга пухта ҳозирлик қўрилган. Ўтказилган тадбирларда чақирилувчилар ва уларнинг ота-оналарига ҳарбий хизмат турлари, аскарлар ҳақ-хукуки, имтиёзлари, ҳарбий қисм ва билим юртларида яратилган қўлайликлар ҳақида зарур маълумотлар берилган.

Айни вақтда йигин пунктларида малакали шифокорлардан иборат тиббий комиссия фаолият бошлади. Улар барча зарур замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланган.

— Дастлабки тиббий кўрик ва синовлардан ўтганимдан хурсандман, — дейди Мирзо Улуғбек тумани мудофаа ишлари бўлимидан муддатли ҳарбий хизматга чақирилган Дилмурод Муҳаммадиев. — Мақсадим ўз йигитлик бурчимни аъло даражада ўташ ва келажақда шартонома асосида ҳарбий хизматни давом эттиришдан иборат.

Ҳозир жойлардаги мудофаа ишлари бўлимлари ва бошқа тегишли идоралар вакиллари чақирилувчиларнинг оилавий шароити, жисмоний ва маънавий тайёргарлиги ҳамда мослашув имкониятларини ўрганишда. Давлат тест маркази ходимлари билан ҳамкорликда уларнинг билим даражаси синовдан ўтказилмоқда.

Биринчи октябрдан шаҳар ҳокимлиги, "Маҳалла", "Нуроний" жамғармалари ҳамда Ўзбекистон ёшларнинг "Қамолот" ижтимоий ҳаракати вакилларидан иборат шаҳар чақирув комиссияси ишга киришди. Синовлардан муваффақиятланиб ўтган, соғлиги ва оилавий шароити талаблар даражасида бўлган чақирилувчилар ҳарбий хизматга тантанали равишда кузатилади.

Холмурод САЛИМОВ,
ЎЗА мухбири



Анжуманлар

ОИЛА МАНФААТИ ЙЎЛИДА

Хусусан мамлакатимизда оилавий ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишчи асосий манбалардан бири аввало Асосий Қомусимиз бўлса, яна бири бу — Оила Кодексидир. Ушбу ҳужжат мамлакатимиз тарихида «Оила» йили деб аталган 1998 йилда тасдиқланган бўлиб, ушбу Қонун қабул қилинганига 10 йил тўлди. Кун кеча Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси томонидан Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси қабул қилинганининг 60 йиллиги ҳамда Оила Кодекси қабул қилинганининг 10 йиллигига бағишлаб «Оила Кодекси — мамлакатимизда бунёд этилаётган чинакам ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти, инсон манфаатлари йўлида хизмат қилувчи ҳужжат» мавзусида шаҳар ФХДЭ органлари ходимларининг илмий-амалий, адабий-мусиқий анжумани ўтказилди.

Тадбирни кириш сўзи билан очган Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси бошлиғи Хайриддин Файзиев мамлакатимизда оила масаласига жуда катта аҳамият ва эътибор берилаётгани, халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган, аждодларимиздан қолган бекиёс миллий қадриятларимиз, эгз анъаналар ва меҳр-оқибат каби инсоний фазилатлар айнан оилада шаклланиб, авлоддан авлодга ўтиб

келаётганлиги, шунинг учун ҳам давлатимиз томонидан оила манфаатлари, ижтимоий муҳофазаси йўлида олиб борилаётган хайрли ишлар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди.

Шунингдек анжуманда Олий Мажлис Сенатининг Қонунчилик ва суд-



ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Мавжуда Ражабова «Оила Кодексининг ёш оилаларни ҳуқуқий ҳимоя қилишдаги роли», Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Мехнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси Илҳом Насриев «Оила Кодексини тақомиллаштиришнинг назарий-амалий омиллари», Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, юридик фанлари доктори, профессор Фофир Абдумажидов «Оила Кодексининг яратилиши тарихидан...» мавзуларида сўзга чиқиб, йиғилганлар эътиборини қўйиб

МАЪЛУМКИ ДАВЛАТИМИЗ МУСТАҚИЛЛИККА ЭРИШГАНДАН КЕЙИН ҚЎШИЛГАН БИРИНЧИ ХАЛҚАРО ҲУҶЖАТ — БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ ТОМОНИДАН 1948 ЙИЛ 10 ДЕКАБРДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН «ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УМУМЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯСИ»ДИР. ОИЛАНING ДАВЛАТ МУҲОҒАЗАСИДА БЎЛИШИ ҲАҚИДАГИ ҚОИДА МАЗКУР ДЕКЛАРАЦИЯДА ДАВЛАТЛАР ЗИММАСИГА ЮКЛАТИЛГАН МУҲИМ ВАЗИФАЛАРДАН БИРИ БЎЛИБ, У КАТТА МАЗМУН-МОҲИЯТГА ЭГАЛИГИ БИЛАН АЛОҲИДА АЖРАЛИБ ТУРАДИ.

да фойдали ва керакли бўлган маълумотларга қаратишди.

Анжуманнинг касбий, адабий-мусиқий бўлими — «Эъзоз давраси»да эса эл севган санъаткорлар, Ўзбекистон халқ артистлари Эргаш Каримов ва Роза Каримоваларнинг биргаликдаги турмушларининг 50 йиллиги — «Олтин тўй»лари тантанали нишонланди ҳамда «Бахтли ота-она эъзозид»да бир йўла учта эгизакнинг ота-онаси бўлган Рустам ва Шахноза Султоноваларни Амира, Аслан ва Ясмина фарзандлари билан қутлаш маросими, шунингдек ФХДЭ органи ходимларининг касбий ритуали-никоҳланувчи бир жуфт ёшларнинг никоҳларини тантанали қайд этиш маросимлари ҳам гоятда кўтаринкилик ва шодиеналик билан, йиғилганларга бир олам таассурот улашиб ўтказилди. Маросим қатнашчиларининг барчаларига қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Анжуманда иштирок этган давлат, нодавлат ташкилотлар вакиллари ҳам ўзларининг совғасаломларини топшириб, дил сўзларини айтиб давлага янада фойз бағишладилар. Эл севган санъаткорлар, адабиёт ва санъат намояндалари дилрабо куй ва қўшиқлари, шеър ва сахна кўринишлари билан тадбирнинг узок вақт ёдда қолишига ҳисса қўшдилар.

Шоира МУҲАМЕДОВА
СУРАТЛАРДА: «Наврўз» мажмуасида бўлиб ўтган анжумандан лавҳалар.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.

Усмонов, Бобур Исмоилов, Александр Николаев, Вячеслав Усеинов, Елена Камбина каби ижодкорларнинг тасвирий санъатнинг долзарб йўналишларидаги энг сара асарлари билан танишиш мумкин. Уларнинг асарлари халқаро миқёсдаги кўргазмалар, халқаро биеналеларда ҳам муваффақият қозонган.

Кўргазмада Франция, Испания, Германия, Озарбойжон, Қозоғистон каби давлатларнинг замонавий санъат бўйича рассомлари ижоди билан ҳам яқиндан танишиш мумкин. Кўргазмадан ўрин олган асарлар янги техник имкониятлар, рақамли технологияларнинг сўнгги ютуқларини ўзида мужассам этгани билан ҳам санъат ихлосмандлари эътиборини ўзига жалб қилмоқда.

— Мен мазкур йўналишдаги кўргазмада ўтган йили

ҳам иштирок этгандим, — дейди франциялик замонавий санъат устаси Роббер Кайен. — Ушбу кўргазма турли ёшдаги, турли йўналишда ижод қилувчи рассомларнинг ишларини намойиш этиш, уларнинг ўзаро фикр ва таъриба алмашиши учун жуда қўлай имкониятдир. Кўргазмага тайёргарлик жараёнида юртингизда ёш мусаввирлар, ижодкорларга ҳар жиҳатдан кўмаклашиш, улар истеъдодини рўёбга чиқариш устувор ўрин тутганининг гувоҳи бўлдим. Бу эса, ўз навбатида, ёшларнинг янада гайрат билан изланишига хизмат қилмоқда.

22 сентябргача давом этдиган ушбу кўргазма доирасида ёш ижодкорларнинг моҳир мусаввирлар билан учрашувлари, ижодий мулоқотлар, маҳорат сабоқлари, анжуманлар бўлиб ўтади.

ЎЗА

2008 — Ёшлар йили

ИЖОДКОРЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ
МУЛОҚОТИ

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ МИЛЛИЙ САНЪАТ МАРКАЗИДА «ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ ВА САНЪАТИ ФОРУМИ» ЖАМҒАРМАСИ ВА ШВЕЙЦАРИЯ РИВОЖЛАНИШ ВА ҲАМКОРЛИК АГЕНТЛИГИ ҲАМКОРЛИГИДА «ВАҚТ БЕЛГИЛАРИ: ДОЛЗАРБ МУЛОҚОТ» ДЕБ НОМЛАНГАН ЗАМОНАВИЙ САНЪАТ КЎРГАЗМАСИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Унинг очилишида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида халқимиз, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлод маънавиятини юксалтириш, санъатнинг барча турлари, жумладан, тасвирий санъатни изчил ривожлантириш, ижодкорларни қўллаб-қувватлаш, янги ижодий марралар сари рағбатлантириш масаласида алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Юртимизнинг турли гушаларида барпо этилаётган муҳ-

ташам ижод саройлари, музейлар, санъат масканлари айни шу эзгу мақсадга хизмат қилмоқда.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси миллий санъатимиз, маданиятимизни рағбатлантиришга муносиб ҳисса қўшиш баробарида соҳада эришилаётган ютуқларни юртимиз ва хорижда кенг тарғиб этиш, ижодкорларнинг ўзаро мулоқот ўрнатиши учун шароит ва имко-

нияят яратиш, ёш истеъдодларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш йўналишида ҳам самарали фаолият курсатаётган жамоат ташкилотларидандир. Жамғарма томонидан муттасил ўтказиб келинаётган ижодий лойиҳалар, фестиваллари, бадий кўргазмалар бунинг далилидир.

Замонавий санъат бўйича иккинчи марта ўтказилаётган ушбу кўргазмада Муҳаммад Фозилий, Жамол

президентимиз ИСЛОМ КАРИМОВ РАҲНАМОЛИГИДА ЮРТИМИЗДА ЎСИБ КЕЛАЁТГАН НАВҚИРОН АВЛОДНИНГ ИСТЕЪДОДИНИ ҲАР ТОМОНЛАМА КАМОЛ ТОПТИРИШ, МАЪНАВИЯТИ, МАДАНИЙ САВИЯСИНИ ЮКСАЛТИРИШ, ИҚТИДОРНИ КАШФ ЭТИШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА. ЁШЛАР ЙИЛИДА МАЗКУР ЙЎНАЛИШДАГИ ЭЗГУ ИШЛАР КЎЛАМИ ТОБОРА КЕНГАЙМОҚДА.

МУСИҚА МАКТАБЛАРИ РИВОЖИГА
ЮКСАК ЭЪТИБОР

либ, йигирма саккизта мактабда капитал реконструкция ишлари амалга оширилади. Мусиқа ва санъат мактаблари билан биргаликда умумтаълим мактабларининг «Мусиқа санъати ва маданияти» фан кабинетларини зарур қўлғу асбоблари билан жиҳозлашга ҳам катта эътибор қаратилмоқда.

— Дастурда болалар мусиқа ва санъат мактабларида таълим тизимини тақомиллаштириш, ёшлар истеъдодини ҳар томонлама ривожлантириш муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланган, — дейди шаҳар халқ таълими бош бошқармаси бошлигининг ўринбосари Хумоюн Акбаров. — Шу маънода ҳозир мусиқа ва санъат мактабларида таълим-тарбия ишлари янги тасдиқланган ўқув режаси асосида олиб боришмоқда. Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамкорлигида ўтказиладиган болалар мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчиларининг фестивалига қизгин ҳозирлик қўрилмоқда.

Айни пайтда ўқитувчилар, педагог-концертмейстерларни қайта тайёрлаш, уларнинг касб малакаси ва маҳоратини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётган.

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги 2-болалар мусиқа мактабидан икки юз етмиш нафар бола таълим олади. Янги ўқув йилидан бу ерда янги ўқув дастури асосида машғулотлар ўтилади бошладилар. Болаларнинг янада мустаҳкам ва пухта билим олиши мақсадида қўшимча дарс соатлари ажратилди. Олти ёшдан ўн тўрт ёшгача бўлган ўғил-қизлар тахсил оладиган ушбу мактабда фортепиано, скрипка, ўзбек халқ қўлғу асбоблари, тасвирий санъат, хореография, эстрада санъати бўлимлари фаолият кўрсатади. Мактаб ўқувчилари республика кўрик-танловлари, ижодий фестивалларда фаол иштирок этиб келмоқда.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири



СИРЛИ ОЛАМ



Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди

● Американинг «Юнайтед техноледж» фирмаси муҳандислари одамлар баданидаги ҳароратни сезиб, чироқни ёқиб ўчирадиган мослама яратдилар. Электрон детектор хонага одам кириши билан дарҳол чироқни ёқади. Хонадан ҳамма кетиб, орадан 15 сония ўтгач, чироқ автомат тарзида ўчади. Нью-Йоркдаги фирмалардан бирига ўрнатилган бу қурилма электр энергияси сарфини 50 фоизга қисқартирган. Лекин уни ўрнатиш қимматга тушади. Орадан уч йил ўтгачгина у ўз харажатиини қоплайди.

● БМТнинг «Халқаро ёшлар муаммоси» ахборот-номасида ҳозирги дунё ёшлари инсоният тарихидаги энг билимли авлод деб тан олинганлиги айtilади. Ушбу ташкилот экспертларининг хулосасига кўра, кейинги ўн йилликда мактабга қатновчи болалар сони 50 фоиздан 78 фоизга ошган. Олий ўқув юртлари талабалари 69 миллиондан 88 миллионга кўпайган. Бу ўзгаришларнинг аксарият қисми ривожланаётган мамлакатларга тўғри келади. Шу билан биргаликда дунё бўйича ёшлар ўртасида ишчилик 14,4 фоизга кўтарилди. Ҳозирда ёшларнинг 18 фоизи ёки 209 миллион нафари камбағалликда кун кечирмоқда. Бу кўрсаткичлар Жанубий Осиё ва Африка мамлакатлари ҳудудларида юқориликча қолмоқда.

● Филиппиннинг Мариндук вилоятида капалаклар боқиладиган алоҳида ферма ташкил этилган. Фермада 9 турдаги капалаклар етиштирилади. Ферма асосан Европа мамлакатлари, АҚШ ва Япония буюртмаларини баҳаради. Бу давлатлар капалакларнинг ҳар бирини 1-5 доллардан сотиб олишади. Танга гуллилари эса қиммат туради — 30 доллар. Фермада етиштирилган капалакларнинг 10 фоизи табиат қўйнига қўйиб юборилади. Бу эса табиатни муҳофаза этиш ишига қўшилган катта улушдир.

● Кёльн шаҳрида турли дориворлар билан савдо қилувчи Фарина исми бир киши 1709 йили ўткир ҳидли хушбўй сув сота бошлади. Фарина уни тайёрланадиган жой номи билан «Кельнхессер», «Кельн суви» деб атади. Французлар бу мураккаб немисча иборани ўз тилларига таржима қилишлари натижа-сида «Кельн суви» сўзи «одеколон» тарзида талаффуз этиладиغان бўлди. Французча таржимадаги бу ном «одеколон» деб кўпгина халқлар тилида қўлланиб келинади.

● Чехословак тарихчи олимлари қадимги архив ҳужжатлари орасидан қадимий маслаҳатлар китобини топиб олдилар. Унда таърифланган шифобахш пиво Карлово Варида ишлаб чиқарилган бўлиб, уни тайёрлашда машҳур шифобахш бўлоқлар сувидан фойдаланилган экан.

● Тарихда учрайдиган ниҳоятда камёб ҳодиса 1971 йилда содир бўлди. Мистер Уильямс номли сан-францисколик 57 ёшли кишига тунги босқинчилар ҳужум қилди. Йўлтўсарлар тезда гойиб бўлдилар. Ҳужумга учраган Уильямс меҳмонхонага етиб келди-да, ўз хонасида ухлаб кечани ўтказди. Эртасига у жарроҳга учраганидан шифокор уни рентгенга туширишга йўллади. Вожаб, миёнинг рентген суратида аниқ ва равшан бешта ўқ кўриниб турарди. Қарангки, барча ҳаётийлигини таъминлайдиган мия марказлари шикастланмаган экан. Ваҳоланки, Уильямсга теккан ўқларнинг ҳар бири ҳаёт билан видолаштириши мумкин бўлган. Кишини таъжубга соладиган нарсаси шундаки, хавфли ҳужумга учраган Уильямс ҳеч нарсаси бўлмагандек ўзини соғлом ҳис этаверган.

● Узок йиллар давомида фалакшунос олимлар Сомон йўли юлдузлар туркумига қирувчи Куёш мас-са жиҳатидан анча енгил эканлигини тасдиқлаб келар эдилар. Аммо Принстон дорифунунининг фалакшунос олимлари Галактикамизда Куёшдан ҳам енгил юлдуз мавжуд эканлигини аниқладилар. Бу юлдузнинг ҳажми оловли сайёрадан бир неча баробар катта бўлса-да, оғирлиги жиҳатидан 50 марта енгил бўлиб қичди. Ушбу тадқиқот Пуэрто-Рико оро-лига ўрнатилган «Аресибо» радиотелескопи ёрда-мида ўтказилди.

● Бир ғуруҳ ғаввослар Тинч океандаги Матаги ороли яқинида жойлашган сув ости горларидан би-рида тўртта ўта қадимий ҳайвонлар қолдиги дуч келишди. Денгиз ҳайвоноти ва набототи билан шу-гулланувчи мутахасссининг айтишича, бўйи 8-10 метр, бош суягининг узунлиги 1 метрдан ортиқ бу жониворлар ҳеч бир сув ҳайвонларини эслатмайди. Ғаввосларни ҳайратга солган топилмалар суратга олиниб, олимлар ихтиёрига ҳавола қилинди.

● Англияда бильярд энг оммавий ўйинлардан бири ҳисобланади. Айтишларича, бу ерда бильярд-ни 300 йилдан буюн ўйнашар экан. Абатта, вақт бу қадимий ўйинга ҳам ўзгача янгиликларни киритган. Масалан, Кент деган шаҳарда жуда катта аквариум қурилган бўлиб, унинг ости бильярд ўйнаш учун мах-сус безатилган. Бу ерда ашаддий ўйинчилар бир-бирлари билан ҳеч қаерда учрамайдиган муҳитда беллашишлари мумкин. Шу билан бирга улар жис-моний жиҳатдан пухта ҳозирланган бўлишлари ке-рак. Чунки ўйинчилар оғир акваланг кийиб ҳаракат қилишлари лозим.

● Одам тахминан 30 ёшдан ошгандан кейин бош мияси қарий бошлайди: ҳар кун 30-40 минг нерв ҳужайралари nobуд бўлади. Мия қаримаслиги учун фикрларни қучайтириш керак. Япониялик физиолог Якусиро узок вақт ултраовуш билан турли ёшда-гиларнинг бош миясини, турмуш тарзини ўрганиб ана шундай хулосага келди. Унинг фикрларига кўра, қучли ақлий меҳнат билан машғул бўлган кишининг бош мия ҳужайраларига кўп қон келади ва мия фао-лиятини қўзғатиб туради.

● Ҳеч бир гул турли халқлар адабиёти, тасви-рий санъати ва маданиятига атиргул каби қучли таъ-сир этмаганлиги аниқ. Қадимги христианлар атир-гулни гуноҳкорлик тимсоли деб билганлар. Сабаби, йўқса «шундай кўркам гулга тиканлар нима учун ато этилган?» деб ўйлашган. XX асрга келиб, олимлар атиргул мевалари таркибиде (барча атиргулдош ўсимликлар каби мева қилади) ўрта ҳолдигидан тўрт маротаба кўп С дармондориси мавжудлигини аниқ-ладилар. Бундан ташқари атиргулнинг ёввойи тур-доши бўлиши, — наъматак меваси дамламаси ва мойининг шифобахш хусусияти барчага аён-дир.

● Японияликлар нималарни ўйлаб топшмайди дейсиз. Япониянинг марказий қисмидаги йўналиш-да яқин йиллардан бошлаб икки қаватли йўловчи поездлар пайдо бўлади. Шарқий Япония темир йўл корпорацияси маъмурияти ана шундай қарорга кел-ган. Чунки бу Токиони атрофдаги туманлар билан боғлашдаги транспорт муаммосини бирозгина бўлса ҳам ҳал этади.



МАШРИҚЗАМИН — ҲИҚМАТ БҮСТОНИ

ҲИҚМАТЛАР

Жудилик ибрат олувчи киши учун ибрат жойи, фикр қилувчи киши учун тафаккур ўрни экан. Ёш киши тасалли берадиган суҳбатдош топмаганда абадий яхшиликдан жудо бўлиб, унга ҳамиша ёмонлик ёпишиб олади. Ақлли киши фақатгина ёру биродарлар билан, сабр қилиб баҳодирлик кўрсатиш билан доим турли ғамларни енгади. Чунки бу иккаласи энг яхши ахлоқ бўлиб, замон балоларига қарши курашганда ёрдам беради.

Ақл-идрокли кишилар ўз ватанидан жудилик аламига сира чидай олмайдилар.

Сенга алоқаси бўлмаган нарса тўғрисида гапирмасликка одатлан.

Сўралмаган нарсдан хабар берма, чақирилмаган жойга борма, бемаъни гапни қўйиб, маънолигини гапир, ёвузларга насихат қилма, улар сенга ёмон мукофот берадилар.

Бепарволик, ёлғончилик ҳалокатга олиб келади, қийинчиликларга дучор қилади. Безорилик қилган киши зиён кўради, билмай қолган киши ўкинади, кўркқан киши кутулиб қолади, одоб эса ахлоқнинг энг улуги-дир.

Устоз калтаги аввал жуда аччиқ, охири асалдан ҳам ширинроқ бўлади.

Ўзига мағрур бўлган киши албатта ҳалокатга учрайди.

Эҳтиёткорлик келгусини кўришнинг доми.

Келгусини ўйлаб иш қилмаган киши ҳалокатдан холи бўлмайди.

Кучи ета туриб бировнинг гуноҳини кечган кишига тангри яхши мукофот беради.

Кишилар яхшилиги бўлмаса ҳам сенга

насиб,

Майли, сен ер юзига яхшилигинг

тухумин сеп.

Яхшилик доим унар, бир кун келгай,

ўрасан,

Ноумид бўлма, унинг яхшилигини

кўрасан.

Ўз кучингга ишониб, ҳар кишига

зулм этма,

Барча мазлум йиғилиб, бир кун

олур ўч сендан!

Ошма ҳаддингдан, ўзиб элдан, узоққа

кетма,

Кимки ҳамроҳдан узоқ тушса,

адашгай чиндан.

Одатда, афвни олижаноб кишилардан сўралади.

Қўлидан келганича яхшилик қилиш энг яхши фазилат.

Кучингнинг борида кўп яхшилик қил,

Ёмон ҳулқ ўрнига яхши қилиқ қил.

Кучинг етмай қолар сўнг яхшиликка,

Ўтарсан сўнгра сен ҳар хил қилиққа.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади.

**ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ
“КАМОЛОТ” ИЖТИМОЙ
ҲАРАКАТИ МАРКАЗИЙ
КЕНГАШИДА ПЕКИНДА БЎЛИБ
ЎТГАН XXIX ЁЗГИ ОЛИМПИАДА
ЎЙНЛАРИ ГОЛИБ ВА
СОВРИНДОРЛАРИ БИЛАН
ЁШЛАРИНИНГ УЧРАШУВИ
БЎЛИБ ЎТДИ.**

2008 — Ёшлар йили ОЛИМПИАДАЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси ўринбосари О.Жамолдидинова мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан ёшларни жисмонан ва маънан баркамол этиб тарбиялаш, йиғит-қизларга жаҳон андозалари даражасида таълим бериш, истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш ва уларга ўз салоҳиятини намоян этишида яқиндан қўллаб-қувватлаш борасида қаратилган улкан эътибор ўз самараларини бераётганини алоҳида таъкидлади. «Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида бу борадаги хайрли ишлар қўлими янада кенгаймоқда.

Мамлакатимизда ёшларни спортга жалб этишнинг мукамал тизими шаклланди. «Умид» «Баркамол авлод» ва Универсиада спорт мусобақалари келажақ эгаларининг омавий спортга бўлган интилишини кучайтириш ва спортнинг барча йўналишларини ривожлантиришда муҳим омил бўлаётди. Бу йўналишдаги вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ҳам қўллаб-қувватлаш амалга оширилмоқда.

Давлат, жамоат ташкилотлари ва таълим муассасалари ҳамкорлигида ҳаётга татбиқ этилаётган ана шундай кенг қўламли ишлар туфайли мамлакатимизда спорт тобора ривожланмоқда. Спортчиларимиз миллий ва халқаро мусобақаларда салмоқли натижаларга эришиб, мамлакатимизнинг жаҳон миқёсидаги обрў-эътиборини юксалтиришга муносиб улуш қўшмоқдалар.

Пекинда бўлиб ўтган XXIX Ёзги Олимпиадада ҳам ҳамюртларимиз битта олтин, иккита кумуш ва учта бронза медални қўлга киритдилар. Бундай ютуқлар мамлакатимиз салоҳиятини янада юксалтириш билан бир қаторда улғайиб келаётган авлоднинг порлоқ келажагини таъминлаш ва эътиқодини мустаҳкамлаш, ёшларнинг жамиятимизда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнидаги фаоллигини ошириш ва спорт соҳасида янги-янги маҳоратли ёшлар этиштириш чизиқини таъминлашга хизмат қилади.

Тадбирда XXIX Ёзги Олимпиада голиб ва совриндорлари, уларнинг устоз-мураббийлари ёшларга халқаро мусобақа таассуротлари ҳақида сўзлаб бердилар.

**Б.ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири**

СПОРТСЕВАРЛАРГА ТУҲФА

Яқинда Шайхонтоҳур тумани Маннон уйғур номли маҳалла фуқаролар йиғини томонидан 167-мактабнинг 11 нафар спортсевар ўқувчилардан тўзилган жамоасига футбол тўпи ва анжомлари топширилди.

Шу муносабат билан ўтказилган йиғилишда маҳалла фаоллари, мактаб жисмоний тарбия ўқитувчилари, спортсевар ўқувчиларнинг ота-оналари иштирок этишди.

Маҳалламиз ҳамиша мактаб билан ҳамкорликда иш олиб боради, — дейди Маннон уйғур номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси ўринбосари Абдусамат Ишмухаммедов, — Бугунги тадбиримиздан кўзланган мақсадимиз ўзгача. Ниятимиз спортсевар ўқувчилардан ташкил этилган жамоанинг катта-катта зафарлар қўчиши учун имкониятлар яратишга қўлимиздан келганча ёрдам беришдир.

Хидирали ПАНЖИЕВ

Спорт янгиликлари

ХАМЮРТИМИЗ — ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ

ХОРВАТИЯДА ҲАРЕБИЙ
СПОРТЧИЛАР ЎРТАСИДА ЭРКИН ВА
ЮНОН-РУМ КУРАШИ БЎЙИЧА
УЮШТИРИЛГАН ЖАҲОН
ЧЕМПИОНАТИ МАМЛАКАТИМИЗ
ПОЛВОНЛАРИГА ОМАД КЕЛТИРДИ.

Гап шундаки, дунёнинг 30 мамлакатидан келган полвонлар орасида ўз вазн тоифаларида голиблик учун кураш олиб борган Владимир Орлов бош мураббийлигидаги 7 нафар спортчидан иборат Ўзбекистон терма жамоаси аъзоларининг уч нафари Ватанимизга медаллар билан қайтиб келди.

Айниқса, эркин кураш баҳсларида 55 килограммгача бўлган вазнда гиламга чиққан МХСК спортчиси Аҳмад Очиловга тенг келадиган рақиб топилмаганини қувонарли ҳол. Мурасасиз беллашувларда барча рақиблари курагини ерга теккиза олган Аҳмадга олтин медаль насиб этди ва у ҳакамлар томонидан жаҳон чемпиони деб

эътироф этилди.

Шунингдек, эркин курашчиларимиздан А.Присяжнюк ва А.Вохидовлар ўз вазн тоифаларида бронза медалларини қўлга киритишди.

МУСОБАҚАЛАР ҚИЗГИН ПАЛЛАДА

ХИТОЙ ПОЙТАХТИ ПЕКИН
ШАҲРИДА ТАШКИЛЛАШТИРИЛГАН
ПАРАОЛИМПИАДА ЎЙНЛАРИ
ҚИЗГИН ПАЛЛАГА КИРДИ.

Ушбу нуфузли турнирда дунёнинг 148 мамлакатидан келган 4 минг нафардан зиёд имконияти чекланган спортчилар голиблик учун кураш олиб боришмоқда. Параолимпиада ўйинларида 2 нафар имконияти чекланган спортчиларимиз ўз омадини синаб кўради. Дарвоқе, қарлар беллашувларида эса Ўзбекистон футбол терма жамоаси Ватанимиз шарафини ҳимоя қилмоқда.

(Ўз мухбиримиз)

МУНАЖЖИМ БАШОРАТИ 16 СЕНТЯБРЬ, СЕШАНБА

Бугунги кун рамзи Маймун, Кўзгу. Атрофингизни ўраб турган воқеик сизнинг чинакам моҳиятингизни кўрсатиб беради. Мабодо, кўзгуда аксингиз ўзингизга унчалик мақбул бўлмаса, хафа бўлмай, ҳаётда нималарда ҳатоларга йўл қўяётган бўлишингиз мумкинлиги ҳақида мушоҳада юритинг.

Бугун никоҳ ристаларини боғлаш, никоҳ тўйлар, гўдакни илк бор эмизиш, мусяқадан олинган илк сабоқ, қурилиш ишлари хайрли бўлиши кутилади. Қизиқувчанлигингиз муҳаббат муносабатларида нозик туйғуларга ўрин бўшатиб беради. Лекин табиатингиздаги зиддиятликлар иззатлалаб режалар ва фаолиятингиз исталган соҳасида ўз ваколатларингизни кенгайтиришга интилишларга олиб келади.

Бугун, айниқса жигар ва ошқозон касалликларига мойил бўлади. Овқатланиш масаласида жуда эҳтиёткор бўлишлик талаб этилади, яхши-си, парҳезга риоя этганингиз маъқул. Дори-дармонлар қабул қилишни энг кам даражада туширганингиз матлуб. Қон айланиш тизимини тозаловчи муолажалар, пластик операциялар, косметикага оид муолажалар самарали бўлади.

Тушларингиз муҳаббатда ва шахсий интилишларингизда нималарга эришингиз ҳақида хабар беради.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари, ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Матбуотлар учун телефон: 233-28-95.

Факс: (3712) 233-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР — ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР — ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси, Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази билан ҳамкорликда Сизларни биржа савдоларига тақлиф этади.

Тошкент шаҳар муниципал биржа марказининг биржа савдоларига 2008 йил 30 сентябрдан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 6 августдаги 172-сонли ва 12 сентябрдаги 208-сонли қарорларига асосан қуйидаги муниципал мулк объектлари қўйилади:

№ т/р	Мавзиви	Тавсифи	Уй №	Майдони (кв.м.)	Бошланғич баҳо (сўм)
1	М.Улугбек тумани	Оққўрғон кўчаси, 13-хонадон	35	63	53 550 000
2	М.Улугбек тумани	Буюк Ипак йўли кўчаси	214а	90	72 000 000
3	М.Улугбек тумани	Ҳ.Олимжон майдонининг ғарбий қисми	-	47	37 600 000
4	М.Улугбек тумани	Буюк Ипак йўли кўчаси	1	208.00	208 000 000
5	М.Улугбек тумани	Қора Су-4 даҳаси	2	98	78 400 000
6	М.Улугбек тумани	ТТЗ-1 даҳаси	31а	118	94 400 000
7	М.Улугбек тумани	ТТЗ-4 даҳаси *	34	83	66 400 000
8	М.Улугбек тумани	Ҳумоюн мавзеси	3а	99	79 200 000
9	М.Улугбек тумани	Паркент кўчаси, 161-хонадон	1	70	66 500 000
10	М.Улугбек тумани	Мустақиллик шоҳкўчаси	7	205	161 345 477,12
11	М.Улугбек тумани	Темур Малик кўчаси	15	213	170 400 000
12	М.Улугбек тумани	М.Улугбек кўчаси	73	99	79 200 000
13	Сергели тумани	Дўстлик даҳаси	-	49	39 200 000
14	Сергели тумани	Қўйлик-5 даҳаси	28	70	56 000 000
15	Сергели тумани	Қўйлик-5 даҳаси *	28	139	111 200 000

16	Сергели тумани	Сергели-2 даҳаси	5 қаватли турар жой биносининг 1-қавати қисми	38	241	192 800 000
17	Сергели тумани	Сергели-4 даҳаси	5 қаватли турар жой биносининг 1-қавати қисми	7	198	158 400 000
18	Сергели тумани	Спутник-5 даҳаси	2 қаватли турар жой биносининг 1-қавати қисми	16	76,8	61 440 000
19	Сергели тумани	Ўзгариш даҳаси	Алоҳида турувчи бино	8а	58,9	47 088 000
20	Ҳамза тумани	Ғалабининг 40 йиллиги-1 даҳаси *	9 қаватли турар жой биносининг 1-қавати қисми	18	90	72 000 000
21	Ҳамза тумани	Ғалабининг 40 йиллиги-1 даҳаси	9 қаватли турар жой биносининг 1-қавати қисми	18	34	27 200 000
22	Ҳамза тумани	Лисунов-1 даҳаси, 12-ётоқхона	4 қаватли турар жой биносининг 1-қавати қисми	120	218	174 400 000
23	Ҳамза тумани	Лисунов-1а даҳаси	9 қаватли турар жой биносининг 1-қавати қисми	65	25	20 000 000
24	Ҳамза тумани	Лисунов-1а даҳаси *	9 қаватли турар жой биносининг 1-қавати қисми	65	39	31 200 000
25	Ҳамза тумани	Ўш кўчаси	Алоҳида турувчи бино	26	235	188 000 000
26	Ҳамза тумани	С.Азимов кўчаси, 24-хонадон	9 қаватли турар жой биносининг 9-қавати қисми	63	71	56 800 000

*) - асосий озик-овқат маҳсулотлар билан савдо қилаётган объектлар фаолият тури сақлаб қолинади.

Объектларни сотиб олиш истагини билдирган талабгорлар биржа марказида рўйхатдан ўтган биржа аъзолари билан шартнома тузиб объект бошланғич баҳосининг камида 15 фоизи миқдоридоги маблағни олдиндан тўлашлари лозим.

Биржа савдолари савдо сессиялари ҳафтанинг ҳар иш куниди соат 11-00 дан 12-00 гача ҳамда 16-00 дан 17-00 гача Тошкент шаҳар муниципал биржа марказида бўлиб ўтади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16а-уй. Телефонлар: 232-25-51, 233-35-08; факс: 232-19-51.



Бош муҳаррир
Акmal AKROMOV

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

Буюртма Г- 806

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 233-29-70; эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
3329 нусхада босилди.
Қозғоқ битими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича
турар жойлардаги почта бўлимларига ёки
«Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига
муурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер
марказида терилди ва сақланган.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмохонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 3 4 5 6